Ушбу сонда:
2 ИШЧИ КАЙФИЯТИ у нималарга боғлиқ?
3 ҚОНУНЛАР — МАНФААТЛАР ТАЯНЧИ
4 Туризм — юрт рекламаси ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРМАБСИЗ — ОЛАМГА КЕЛМАБСИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 6 октябр, чоршанба № 140 (787)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

**5 октябр. Сеул. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунгнинг «Чонг Ва Де» («Мовий уй») қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.**

Маросимдан кейин икки мамлакат президентларининг тор доирадаги мулоқоти бўлди. Унда давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро миқёсдаги масалалар хусусида ўзаро фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар, жумладан, савдо, молия, сармоя соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Музокаралар ниҳоясида президентлар XXI асрга қаратилган янги руҳдаги Декларацияни имзолади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида Божхона соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Корея Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида Ҳуқуқий материаллар алмашиш ҳамда Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Дэу» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг, Жанубий Корея Эксимбанки бошқаруви раиси ва президенти Янг Ман Ки ва «Кабул текстайл» компанияси бошқаруви раиси Парк Чан Хони қабул қилди. Учрашувларда корейс ишбилармонлари билан ўзаро шерикликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Амалдаги лойиҳалар ижроси ва янгиларини тайёрлаш хусусида фикр алмашилди.

Оқшом Корея Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига расмий қабул маросими уюштирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Жанубий Кореяга ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

## КОРЕЙС МАТБУОТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

**5 октябр. Сеул. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** «Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи келгуси асрда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янгича асосдаги шерикликка айлантириш учун пухта замин тайёрлайди». «Кореянинг сармоя ва технологияси, Ўзбекистоннинг табиий заҳира ва ишчи кучи - ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим омилдир». Шу кунлари Корея Республикаси матбуоти, хусусан, «Корея ҳеральд» газетасида бундай руҳдаги мақолаларни кўплаб учратиш мумкин. Бошқача айтганда, оммавий ахборот воситаларининг Ислом Каримов ташрифига эътибори ва қизиқиши катта.

Корея Республикаси ташқи ишлар вазирлиги вакилининг таъкидлашича, Ўзбекистон Жанубий Корея учун «Марказий Осиё дарвозасидир». Айнан шу давлат орқали биз минтақадаги бошқа мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамламоқдамиз, дейди у.

Маҳаллий кузатувчилар эса Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги Жанубий Кореянинг МДҲ мамлакатлари билан ҳам алоқаларини ривожлантиришга туртки бўлмоқда, деган фикрда.

Корея Республикаси молия ва иқтисодиёт вазири Канг Бонг Кюн, икки давлатда ҳам саноат инфратузилмаси ривожланган янги технологияни ўзлаштириш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш юксак даражада эканини таъкидлайди ва бу омиллардан янада самарали фойдаланиш зарурлигини қайд этади. Хуллас, иқтисодий тараққиёт жиҳатидан дунё мамлакатлари орасида етакчи ўринда турган Жанубий Кореяда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи ва умуман Ўзбекистонга қизиқиш катта. Буни корейс матбуоти ҳам кенг эътироф этмоқда.

(ЎзА)

## «ИСТИҚБОЛ» ТЕННИС ТУРНИРИ

*Сирдарё вилояти яна бир улкан спорт иншоотига эга бўлди. Гулистон шаҳрида «Алпомиш» спорт саройи тантанали равишда очилди. Шу куни бу ерда халқаро «Истиқбол» теннис турнири бошланди. Унда жаҳоннинг 13 мамлакатидан вакиллар иштирок этмоқда, жумладан, туркиялик Эрхон Орол, белоруссиялик Александр Швец, россиялик Артём Деренаско, словакиялик Томас Чатер, ўзбекистонлик Темур Ғаниев, Дмитрий Томашевич беллашмоқда.*

*9 октябргача давом этадиган мусобақа қизғин курашларга бой бўлиши кутилаётир.*

## «ЁШ ПРЕЗИДЕНТЛАР» ЎЗБЕКИСТОНДА

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган халқаро «Ёш президентлар ташкилоти» делегацияси аъзолари Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.**

Халқаро «Ёш президентлар ташкилоти» 1950 йил Нью-Йорк шаҳрида ташкил топган бўлиб, жаҳондаги етмишдан ортиқ давлатда саккиз мингга яқин аъзога эга. Ташкилот аъзолари асосан, 30-40 ёшида йирик компания ва фирманинг президенти бўлган ишбилармон кишилардир.

Ўзбекистонга ташриф буюрган ушбу ташкилот делегацияси таркибида 15 га яқин мамлакатнинг 30 дан ортиқ компания ва фирма вакиллари бор. Табиийки, бизнес оламининг вакиллари ҳисобланган меҳмонлар мамлакатимизда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳамда ишбилармонлар, хусусан, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит билан қизиқди.

Ўзбекистон Бош вазири меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уларга мамлакатимизда кечаётган иқтисодийислоҳотларнинг бориши, ташқи иқтисодий муносабатлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар, умуман, Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари ҳақида атрофлича сўзлаб берди.

- Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини олиб борар экан, бу масалага ўзаро тенг иқтисодий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндошади, - деб таъкидланди жумладан учрашувда. — Айни пайтда, мамлакат товар айирбошлаш ҳажмининг қарийб 70 фоизи узоқ хорижий давлатлар билан амалга оширилмоқда. Йилига эса 1,5-2 миллиард АҚШ долларига тенг хорижий сармоя Ўзбекистон иқтисодиётига ётқизилаётир. Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан буён 400 га яқин янги маҳсулот тури ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мамлакатнинг ташқи савдо-иқтисодий алоқаларидаги яна бир имконият унинг жўғрофий қулай жойлашувидир. Зеро, Ўзбекистон шарқ ва ғарб, жануб ва шимол йўллари бирлашадиган қулай минтақада жойлашган.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистонда кечаётган хусусийлаштириш жараёни, ўрта ва кичик бизнес вакилларига қаратилаётган эътибор ва бошқа бир қатор масалалар хусусида ҳам атрофлича маълумот олди.

(ЎзА)

## ИШ ҲАҚИ ДАЛАДА БЕРИЛЯПТИ

Кейинги кунларда об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши далаларда етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишда деҳқонларимизни бор имкониятни ишга солиб, шижоат кўрсатишга ундамоқда. Бу борада пойтахт вилояти меҳнаткашлари ҳам жонбозлик кўрсатишаётир.

Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган Тошкент Давлат Аграр университети ўқув-ишлаб чиқариш хўжалиги биринчи бўлимининг Мурод Жуманов бошлиқ 3-бригадаси теримчилари давлат режасини ортиғи билан адо этишди. Улар яна 210 тонна пахта териш мажбуриятини олишган. Моҳир теримчилар кунига 100-140 килодан «оқ олтин» топширишмоқда.

Меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишида иш ҳақи даланинг ўзида тарқатилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.

**Суратда: Касабақум раиси С.Умурзоқов илғорларга пул мукофотини топширмоқда.**

**Х.АВВАЛОВ олган сурат.**



## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Республика Халқ таълими фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев яқинлашиб келаётган сайловларга тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари бўйича маъруза қилиб, сайловлар - демократик жараёнларни такомиллаштиришнинг муҳим омили эканлигини таъкидлади. Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш борасида амалга оширилган ишлар ва навбатдаги вазифаларга тўхталди.

Йиғилишда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ўқув жараёнига татбиқ этиш чора-тадбирлари, янги ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш, умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўқув режаси, мактабларда ўқувчилар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизимини қўллаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, мониторинг марказлари ва ўқувчилар янги либослари, «Таълим тараққиёти» ахборотномасининг умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига бағишланган махсус сонлари тақдимоти ўтказилди.

## ЗАРДОЛИ ҚИШЛОҒИ ОЗОД ҚИЛИНДИ

Қирғизистон ҳукумат қўшинларининг мамлакат жанубига суқилиб кирган террорчиларга қарши амалга оширган тадбирлари ўз самарасини берди. Бир неча кун давомида босқинчиларнинг қароргоҳлари ва таъминот йўллари тўплардан ўққа тутилди ва самолётлар ёрдамида бомбардимон қилинди. 4 октябр куни қатъий ҳужумга ўтган аскарлар 23 августдан буён босқинчилар эгаллаб турган ва уларнинг қароргоҳига айлантирилган Зардоли қишлоғини озод қилдилар. Қирғизистон матбуоти хабарларига қараганда, бу кенг миқёсли ҳужум операциясининг бошланишидир. Эндиликда босқинчилар назорати остида бўлган бошқа қишлоқларга борадиган йўллар миналардан тозаланмоқда, чекинаётган тўдалар самолётлар воситасида таъқиб этилаяпти. Зардоли қишлоғига яқин барча шимолий даралар босқинчилардан тозаланган. Шунингдек, Гиёмуш довони назорат остига олинган. Жангарилар атрофидаги халқа тобора тораймоқда. Маълумотларга кўра, аскарлар ва тинч аҳоли ўртасида қурбонлар йўқ. Боткен тумани марказига эса Қирғизистон чегара қўшинларининг бўлинмалари келтирилмоқда. Уларнинг вазифаси Тожикистон билан чегарани мустаҳкамлаш ва босқинчи тўдаларнинг яна ўтишларига йўл қўймасликдир.

Аслида террорчилик хуружи бошланган кунданоқ унинг оқибати маълум эди. Бир тўда жиноятчи ва уларга эргашган гумроҳларнинг қўлидан нима келар эди? Узоқ йиллик асоратдан халос бўлган халқлар уларнинг сохта шиорларига ишонармиди? XXI аср арафасида яшаётган кишилар яна ўрта аср тартибларига қайтишни истайдими? Наҳотки, улар маърифий, демократик тараққиёт йўлини танлаган Марказий Осиё халқларини осонлик билан чалғитиш мумкин деб ўйласалар? Қирғизистон жанубидаги мағлубият хом хаёллари чиппакка чиққан «ижрочилар» учун ҳам, уларнинг хориждаги «буюртмачилари» учун ҳам яхши сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Сиёсатдонларнинг таъкидлашича, халқаро терроризм ва гиёҳванд моддалар тижорати бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки террорчилар учун қурол-яроғ ва озиқ-овқат гиёҳванд моддаларни сотишдан тушган пул эвазига таъминланади. Айни пайтда улар гиёҳванд моддалар ўтадиган йўлларни назорат остига олишга интиладилар.

Қирғизистон жанубидаги воқеалар ҳам наркобизнес билан алоқадор эканлиги равшан бўлиб қолди. Чунки гиёҳванд моддаларнинг асосий тижорат йўлларидан бири Қирғизистон тоғларидан ўтади. Бу ҳудуд Хитой ва Тожикистонга туташ. Матбуот хабарларига кўра, бу йил Афғонистонда 4600 тонна кўкнори етиштирилган. Демак, уни қаергадир сотиш керак. Бунинг учун эса Қирғизистон йўлини назорат остига олиш лозим. Террорчиларнинг ҳаракатларидан кўзда тутилган яширин мақсадлардан бири ҳам аслида шу.

Шу кунларда Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиёда гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш соҳасида ҳамкорлик бўйича ўзаро ҳамфикрлик Меморандуми қатнашчиларининг иккинчи, якуний учрашуви бўлиб ўтмоқда. Бу ҳужжат барча Марказий Осиё республикалари ва Россия томонидан имзоланган. БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Бошқармасининг ижрочи директори Пино Арлакки иштирокида ўтаётган мазкур йиғилишда тўрт йил давомида биргаликда олиб борилган ишлар муҳокама қилинади, шунингдек, келгуси фаолият йўналишлари белгиланади. Пино Арлакки ҳам Қирғизистон жанубидаги воқеалар минтақадаги наркобизнес билан узвий боғлиқ эканлигини, бу муаммони бартараф этиш учун бутун жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Терроризм ҳам, наркобизнес ҳам давримизнинг энг хатарли иллатларидир. Уларни саратон (рак) касаллигига қиёслаш мумкин - томир отган мамлакат албатта инқирозга юз тутади. Шу сабабли бу иллатларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш, дастлабки белгилари кўзга ташланган заҳоти таг-томири билан юлиб ташлаш улардан қутулишнинг энг ишончли йўлидир.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ**
**(ЎзА)**

## Обуна-2000

## «ISHONCH» - МЕҲНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

**«Салом, ҳурматли таҳририят!**

**Мен меҳнат таътилига чиқиб, дам олаётганимда бетоб бўлиб қолдим. Ёру дўстларнинг маслаҳати билан ички касалликларни даволайдиган хусусий фирмага мурожаат қилдим. Барака топишсин, шифокорлар астойдил ҳаракат қилдилар.**

**Лекин мен бир нарсага ҳайрон бўлиб қолдим. Яъни, хусусийлаштирилган даволаш муассасасида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилмас экан. Энди мен нима қиламан?..»**

«Менга маслаҳат беринглар. Эллик ёшга киргунимга қадар касаба уюшмасига бадал тўладим. Энди касаба уюшмаси менга ёрдам берадими? Саккиз фарзандни тарбиялаб вояга етказдим. Нафақамни кўпайтиришнинг иложи борми? Бўлса, кимга, қаерга мурожаат қилай?...»

Булар таҳририятимиз хатлар қутисига келиб тушаётган арзномалардан бир шингил, холос. Гарчанд уларнинг аксарияти бир ёки бир неча шахс томонидан йўлланса-да, лекин хатда ўртага ташланган муаммо ечимидан кўпчилик манфаатдор. Агар бир мактуб туфайли маҳаллага сув келса, ундан юзлаб одам баҳраманд бўлади. Бордию, мутлақо шахсийдек туюлган масалага ойдинлик киритилса, билингки, худди шундай аҳволга тушган бошқа кишилар ҳам ўзига йўл-йўриқ олади. Демакки, таъбир жоиз бўлса, таҳририят томон узатилган битта қўл ўнлаб, юзлаб одамларнинг қўлига ҳам сув қуяди.

Бежизга матбуотни омма билан турли идора ва ташкилотлар ўртасида турган беминнат дастёр, кўприк дейишмайди. «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» ана шундай холис хизмат учун доимо шай турган газеталар сирасидан эканлигини муҳтарам муштарийларимиз яхши билишади. Зотан, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бу нашр касаба уюшмалари - халқ манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлган энг оммавий жамоат ташкилотининг кўзгусидир.

Маълумингизким, шу йил 25 сентябрдан республикамизда чоп этиладиган барча нашрлар қатори «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари учун ҳам 2000 йил учун обуна бошланди. Мазмун-моҳиятига кўра халқнинг қалбига қулоқ тутиб, сиз, муҳтарам муштарийларнинг орзу-умидлари, хоҳиш-иродаларини ифода этишга тайёр турган ишончли ҳамроҳингизга камарбаста бўласиз, деган умиддамиз.

Унутманг: «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» - сизнинг газетангиз, у ҳамиша сизнинг манфаатингизни ҳимоя қилади.

**Нашр индексимиз:**
**«Ishonch» - якка тартибда - 133**
**идоралар учун - 134**
**«Ishonch-Доверие» - якка тартибда - 135**
**идоралар учун - 136**

